

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЮТУҚЛАРИ ВА КЕЛАЖАКДАГИ ВАЗИФАЛАРИ”



“Сувхўжаликназорат” инспекцияси томонидан тасдиқланган режа-графикка асосан Инспекциянинг ҳудудий бошқармаларида коррупцияга қарши курашиш ва унга тоқатсиз муҳитни яратиш мақсадида семинар-тренинглар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг 12 март куни Инспекциянинг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасида **“Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишда ютуқлари ва келажакдаги вазифалари”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Семинарда Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходими А.Рахимов, Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори О.Фармонов, вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Д.Умирзоқова, Сув хўжалиги тизим ташкилотларининг раҳбар ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренинг жараёнида Инспекциянинг Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар билан бирга коррупциявий ҳолатларни олдини олиш учун келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам муҳокама қилиниши таъминланди.



“Сувхўжаликназорат” инспекцияси
ахборот хизмати